БИЗ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТАМИЗ [В. И. ЛЕНИН]

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши № 169 (11.615) | 22 июль, жума, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЭСТОНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЭСТОНИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ПРЕЗИДИУМИГА ЭСТОНИЯ ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Эстония ССР нинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли тарихий воқеа билан — Эстония ССР да Совет ҳокимияти тиклангалигининг 20 йиллиги билан қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Бундан йигирма йил муқаддам Эстония меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, Совет Иттифоқи халқларининг ёрдами билан реакцион буржуа тузумини ағдариб ташладилар, Советлар ҳокимиятини тикладилар ва Эстония Совет Социалистик Республикасини барпо қилдилар. Капитализм кишанларини улоқтириб ташлаб ва ўз тақдирига хўжайин бўлиб олиб, озод эстон халқи СССР халқларининг қардошлик оиласига қўшилди ва янги, социалистик ҳаёт қурилиши йўлидан олға қараб дадил қадам қўйди. Эстонлар Улуғ Ватан уруши даврида мамлакатимиздаги барча миллатларнинг жангчилари билан ёнма-ён туриб, гитлерчи босқинчиларга қарши жанг қилдилар ҳамда ўзларининг озодлигини ва жонажон Совет ҳокимиятини сақлаб қолдилар.

Бугун Эстония меҳнаткашлари тарихан қисқа муддат ичида ғоят катта ўзгаришлар бўлганлигини ҳурсандчилик билан қайд қилмоқдалар. Ўтган 20 йил мобайнида республиканинг саноати жуда юксак суръатлар билан ривожлана борди. 1940 йилга нисбатан саноат ялпи маҳсулоти ўн баравардан зиёд кўпайди. Эстония ССР-нинг ишчилари, инженерлари, техниклари, қишлоқ меҳнаткашлари етти йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқдалар.

Колхоз тузуми ғалаба қилганлиги натижасида республика қишлоқ хўжалиги ғоят даражада юксалди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришни, айниқса чорвачилик маҳсулоти етиштиришни йилдан-йилга ошира бормоқда. Халқ хўжалигини муваффақиятли равишда юксалтириш асосида Эстония меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ўсиб бормоқда.

Совет ҳокимиятининг йигирма йили мобайнида Эстониянинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини ривожлантиришда ғоят катта муваффақиятларга эришилди. Ўрта мактаблар сони тўрт баравардан зиёд кўпайди; олий ўқув юртларидаги студентлар сони уч баравар кўпайди. Ҳозирги вактда Эстонияда ҳар ўн минг аҳолига студентлар сони энг тараққий қилган капиталистик мамлакатлардагига қараганда кўпроқдир. Эстония ССР да фан ва адабиёт, музика, театр, тасвирий санъат илгари мисли кўрилмаган даражада равнақ топди.

Социалистик қурилишда, коммунизм ғалабаси учун курашда улкан муваффақиятларга шу туфайли эришиш мумкин бўлдики, Эстония меҳнаткашлари Совет Иттифоқидаги қардош халқларнинг тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам, пролетар интернационализми бузилмас ленинча принципларига асосланган буюк оиласида, совет социалистик демократияси равнақ топган шароитда яшамоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Эстония халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари билан биргаликда етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, порлоқ келажак — коммунизм учун янада зўр ғайрат ва ижодий куч билан кураш олиб боради.

Меҳнатсевар ва талантли эстон халқига саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни янада ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшилашда, коммунистик жамият қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Эстония Совет Социалистик Республикасининг 20 йиллиги!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отряди — Эстония Коммунистик партияси!

Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЛИТВА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЛИТВА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЛИТВА ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Литва ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли тарихий воқеа билан — Литвада Совет ҳокимияти тикланишининг 20 йиллиги билан қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Литва халқи улуғ рус халқи ва Ватанимизнинг бошқа халқлари билан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун курашди ва ўша пайтда ўз жонажон ўлкасида ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини ўрнатди. Афсуски, ўша йилларда чет эл интервентлари ва Литва буржуазияси ёш ва ҳали мустаҳкамланиб олмаган Совет Литвасини бўғиб қўйишга эришди.

Бундан йигирма йил муқаддам — 1940 йилда Литва меҳнаткашлари Совет Иттифоқи халқларининг беғараз ёрдами билан Коммунистик партия раҳбарлигида манфур фашист диктатурасини ағдариб ташладилар ва Литва ерида Совет ҳокимиятини қайта тикладилар. Литва халқи ўз тақдирининг тўла хўжайини, СССР халқлари улуғ ва бузилмас қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

Ўтган 20 йил ичида Литва ССР Ғарб давлатларининг аграр-хом ашё қўшимчасидан коммунизм йўлидан ишонч билан бораётган ва гуллаб-яшнаётган индустриал-колхозлашган республикага айланди.

Литва ССР меҳнаткашлари Улуғ Ватан урушида бутун мамлакат билан биргаликда ўз озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиб, уруш оқибатида вайрон бўлган халқ хўжалигини қардош халқлар ёрдами билан тиклабгина қолмасдан, балки олға қараб катта қадам ҳам қўйдилар. Республика саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 20 йил ичида ўн баравар кўпайди. Республиканинг қишлоқ хўжалиги жиддий муваффақиятларга эришди. Ҳозир Литва буржуазия ҳукмронлиги йилларидагига нисбатан анча кўп гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бермоқда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда сут ва ёғ Америка Қўшма Штатларидагига қараганда кўпроқ етиштирилмоқда. Меҳнаткашлар фаровонлиги йил сайин ошмоқда. Литва халқининг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти барқ уриб яшнамоқда.

Литва ССР нинг бу катта ғалабалари СССР халқларининг қардошлик оиласида, социалистик ўзаро ёрдам ва кишиларнинг ўзлари учун ва ўз жамиятлари учун эркин ижодий меҳнати шароитда Литва халқи олдида нақадар ажойиб истиқбол очилганлигидан яққол далолат беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, Литва меҳнаткашлари ўзларининг шонли революцион традицияларига оғишмай амал қилиб, республика олдида турган иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун кучларини, ўзларининг бутун ижодий ғайратларини сарфлайдилар, бутун совет халқининг коммунизм тантанаси учун улуғ курашига муносиб ҳисса қўшадилар.

Талантли ва меҳнатсевар Литва халқига саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантириш учун, фаровонликни муттасил ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар, коммунизм қурилишида янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

Яшасин Литва Совет Социалистик Республикасида Совет ҳокимияти тикланишининг шонли 20 йиллиги!

Яшасин Литва Коммунистик партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отряди!

Яшасин улуғ Ватанимиз озод халқларининг дўстлик ва биродарлик қалъаси — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЛАТВИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЛАТВИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЛАТВИЯ ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми ва СССР Министрлар Совети республиканинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли тарихий воқеа билан — Латвия ССРда Совет ҳокимияти тиклангалигининг 20 йиллиги билан табриклайдилар ва қутлайдилар.

Латвияда Совет ҳокимиятининг тикланиши латиш халқининг тарихий тақдирида туб бурилишга асос қўйди. Ўтган 20 йил ичида республикада экономика ва маданият соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Латвия империалистик давлатларнинг қолоқ аграр қўшимчасидан юксак даражада ривожланган социалистик индустриал-колхозлашган республикага айланди. Бу — Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши, латиш, рус, украин, белорус, эстон, литва халқлари ва мамлакатимизнинг бошқа халқлари ўртасидаги социалистик ўзаро ёрдам ва бузилмас мустаҳкам дўстлик натижасидир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Латвия ССР меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда фашист босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Латвия гитлерчи оккупациячилардан озод қилинганидан кейин эса, республика халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳозир латиш халқи КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун, етти йилликни тўла ва ошириб бажариш учун баланд руҳ ва ижодий активлик билан курашмоқда.

Совет Латвиясида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1960 йилнинг бошларида урушдан илгариги даражадан қарийб ўн баравар, машинасозлик, приборсозлик ва металл ишлаш саноатининг бошқа тармоқлари бўйича эса 57 баравар ошиб кетди. Етти йилликнинг фақат дастлабки йилида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши буржуа Латвиясида 1939 йилги саноат ишлаб чиқаришининг бутун ҳажмидан кўпроқ бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, бой революцион традицияларга эга бўлган латиш халқи КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, республика экономикаси ва маданиятини янада гуллатиб-яшнатиш учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўлиш мақсадида ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Меҳнатсевар ва талантли латиш халқига саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни янада ривожлантиришда, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш учун умумхалқ курашида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Латвияда Совет ҳокимияти тикланишининг шонли 20 йиллиги!

Яшасин Латвия Коммунистик партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отряди!

Яшасин улуғ Ватанимиз халқларининг бузилмас дўстлиги!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** | **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Р. КАСТРО билан учрашуви ҳақида ахборот

Куба Республикаси революцион қуролли кучлари министри Рауль Кастро СССР да бўлган вақтида у билан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ўртасида Совет—Куба муносабатлари масалалари юзасидан ва бошқа муҳим халқаро проблемалар юзасидан фикр олишув бўлди.

Министр Р. Кастро Совет Иттифоқининг Куба халқини сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғоят қўллаб-қувватлаётганлиги учун Куба Республикаси ҳукумати ва шахсан бош министр Фидель Кастронинг топшириғига биноан, Совет ҳукуматига қизғин ташаккур изҳор қилди.

Куба теварагида рўй берган халқаро вазият тўғрисида фикр олишиш жараёнида шу нарса таъкидландики, кейинги вақтлардаги фактлар АҚШ даги муайян доиралар Кубага қурол кучи билан бостириб кириш планларидан воз кечмаганликларини ва Куба Республикасининг озодлиги ҳамда мустақиллигини куч ёрдами билан бўғиб ташлаш мақсадида доим таҳдид қилаётганликларини кўрсатади.

Н. С. Хрушчев Латин Америкаси мамлакатларининг ҳукуматлари ўз халқларининг қатъий иродаси билан ҳисоблашишлари ва Америка монополиялари ва милитаристларининг Кубага қарши қора ниятларини амалга оширишда қатнашишга йўл қўймасликлари лозим, деб ишонч билдирди.

Совет халқи, деди Н. С. Хрушчев, Куба халқининг кураши билан тамомила бирдам эканлигини изҳор қилади. Барча халқлар Куба Республикасини қўллаб-қувватлайдилар ва иқтисодий қамал ҳалқасини парчалаб ташлашда унга ёрдам берадилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи АҚШ нинг Куба Республикасига қарши қуролли интервенциясига йўл қўймаслик учун барча чоралардан фойдаланади, деб таъкидлади.

Министр Р. Кастро Н. С. Хрушчевни ҳукумат визити билан Куба Республикасига келишга яна дўстона таклиф қилди. Н. С. Хрушчев Кубага бориш ниятини яна таъкидлади. СССР Министрлар Советининг Раиси Куба Республикаси бош министри Ф. Кастрони Совет Иттифоқига келишга таклиф этганлигини яна такрорлади.

Н. С. Хрушчев сўзининг охирида Куба халқининг адолатли иши ғалаба қилади, деб ишонч билдирди.

Фикр олишиш вақтида СССР Министрлар Советининг Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян қатнашди.

(ТАСС).

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг республика кенгашига келган Самарқанд область делегатларининг бир группаси (чапдан ўнгга): ўтирганлар А. Каримов, М. Тоиров, Х. Давилов, К. Майлибоев, К. Раззоқов, М. Халилов, М. Тошбекова, П. Васильева; турганлар Ф. Лебедкин, А. Раҳимов, Т. Облоқулов, Р. Қаршиев ва Т. Турдиалиев ўртоқлар. И. Глауберзон фотоси.

КЕЛАЖАК РАЗВЕДКАЧИЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июль Пленуми саноат ва транспортни ривожлантириш ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисидаги КПСС XXI съезди қарорларини бажаришнинг боришини кўриб чиқди ва мамлакатимизда техникани тараққий эттиришнинг ҳар томонлама мукаммал ва аниқ программасини белгилаб берди. Республикамиз меҳнаткашлари бутун совет халқи қатори Пленум ҳужжатларини синчиклаб ўрганмоқдалар ва уни ўз ишларига жанговар программа деб билмоқдалар. Июль Пленуми кўрсатмаларини тезроқ ва яхшироқ амалга ошириш учун курашчиларнинг олдинги сафларида келажак разведкачилари — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари бормоқдалар.

Бугун Тошкентга илғорларимиз илғори, пешқадамларимиз пешқадами бўлган азаматлар тўпланишади.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин биринчи коммунистик шанбаликларда коммунизм куртакларини кўрган, бу ҳаракатни «буюк почин» деб атаган эди.

КПССнинг тарихий XXI съезди арафасида бошланган коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракати меҳнатга коммунистик муносабатнинг юксак шакли эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Бу ҳаракатнинг донгдор намояндалари Валентина Гаганова, Николай Мамай, Саид Нуриддинов, Турсуной Охунова, Ғанишер Юнусов, Меликўзи Умрзоқов кабиларнинг номларини ким билмайди дейсиз!

В .И. Ленин номидаги металлургия комбинатининг мастери Саид Нуриддинов бошлиқ бригаданинг ишига бир назар ташланг: бригада аъзолари ҳозир 6 соат мобайнида илгари корхонада 8 соатда бажариб келинган ишдан 20 процент кўп иш бажармоқдалар. Шу йилнинг биринчи ярмидагина бригада 1300 тоннадан ортиқ прокат ишлаб чиқарди, 113 тонна мазут, 103 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолди. Брак уч баравар камайди, маҳсулотнинг 99,57 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Ҳозир республикамизда ҳаммаси бўлиб 6 минг коллектив ва бригада фахрли ном учун курашмоқда. 1800 коллективга шу шарафли ном берилган.

Коммунистик меҳнат бригадалари ҳаракати янги даврга кириб бормоқда. Бутун-бутун участкалар, сменалар, цехлар, ҳатто корхоналар шу номни олиш учун кураш бошлади.

Лекин республикамиздаги баъзи ташкилотларнинг раҳбарлари, айрим партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу улуғ ишга етарли аҳамият бермаётирлар.

Республика Қурилиш министрлигининг ташкилотларида 179 бригада ва 250 илғор бинокор коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори номини олиш учун кураш бошлаган. Министрлик олий ният ва яхши умид билан енг шимарган бу шаввозларга қандай мадад бермоқда, уларга қандай раҳбарлик қилмоқда? Шуни айтиш керакки, министрлик коллегиясида бир ярим йил мобайнида бу масала бирон марта ҳам муҳокама қилинмаган. Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи ҳам бу ишдан четда турибди. Улар қанча бригада ва қанча илғор ишчи коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатига қўшилгани тўғрисида маълумотлар тўплаш билан чегараланмоқдалар холос. Республикамизда қурилиш ишлари кўнгилдагидек бормаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шудир.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, барча партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотларининг энг асосий вазифасидир. Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг бугун очиладиган кенгаши бу ҳаракатнинг бир ярим йиллик ишига якун ясаш билан бирга илғорларимиз сулига ўзаро тажриба алмашишда ёрдам бериши, келгусидаги вазифаларни белгилаб чиқиши ва коммунистчасига яшайдиган, ишлайдиган, ўқийдиганлар сафини яна ҳам кенгайтиришга ёрдам бериши керак.

СССРнинг КОНГО РЕСПУБЛИКАСИГА ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

(ТАСС АХБОРОТИ)

Совет ҳукумати совет халқининг Конго халқига нисбатан дўстлик, қардошлик туйғуларига амал қилиб, Конго Республикасига озиқ-овқат билан ёрдам беришга қарор қилганлиги тўғрисида матбуотда хабар берилган эди.

19 июль эрта билан учта ИЛ-18 самолёти Москвадан парвоз қилиб, Рим—Работ—Аккра орқали Леопольдвилга учиб кетди. Совет ҳукумати томонидан Конго Республикасига юборилаётган озиқ-овқатларнинг биринчи партияси ана шу самолётларга ортилган. «Лениногорск» пароходи яқин кунларда буғдой, қанд-шакар ва қуюлтирилган сут ортиб Одессадан Конгога жўнайди.

Гана ҳукумати СССРнинг Аккрадаги элчихонаси орқали Совет ҳукуматига мурожаат қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг қарорига мувофиқ, Конго Республикасига юбориладиган Гана қўшинларини Конго Республикасига жўнатишда ёрдам беришни илтимос қилди.

Совет ҳукумати Гана ҳукуматининг ана шу истакларини қўллаб, бу илтимосни қондиришга қарор берди.

Шу мақсадда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Учта ИЛ-18 совет самолёти ёрдам тариқасида юборилаётган озиқ-овқатни Москвадан Леопольдвилга (Конго Республикаси) етказиб берганидан кейин Аккрага жўнатилади ва Гана қўшинларини Аккрадан Леопольдвилга ташиш учун зарур бўлганича қатнайди. Бундан ташқари, Гана қўшинларини ташиш мақсадида Совет ҳукумати Гана ҳукуматининг ана шу илтимосига мувофиқ, қўшимча равишда иккита ИЛ-18 самолёти ажратди. Бу самолётлар Ганага етиб бориши биланоқ Гана қўшинларини Конго Республикасига ташишга киришади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИ САНОАТИ ЕТТИ ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Тошкент шаҳар ва область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошираборив ва КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига социалистик мусобақани қизитиб, шу йил 20 июлда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан етти ойлик планни бажардилар.

ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИ БРИГАДАСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

20 июлда Тошкентга Озарбайжон пахтакорлари бригадаси келди. СУРАТДА: қардош Озарбайжон пахтакорлари бригадаси.

УЛУҒ ОИЛА БАҒРИДА

Совет Литвасининг пойтахти Вильнюс шаҳри.

ЛАТВИЯ ЮКСАЛИШДА

Латвия ССР Министрлар Советининг раиси Я. В. ПЕЙВЕ билан суҳбат

<>

Латиш халқи бугун Латвияда Совет ҳокимияти ўрнатилишининг 20 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқда. 1940 йил 21 июлда Латвия меҳнаткашлари буржуазия зулмини агдариб ташлаб, озод ва бахтиёр ҳаётни қўлга киритган эдилар.

20 йил — тарихда катта давр эмас, лекин шу даврда нақадар ажойиб воқеалар бўлиб ўтди! Бу — янгилик барпо қилинган, бутун халқ хўжалиги социалистик асосда тубдан қайта қурилган, латиш халқининг маданияти барқ уриб яшнаган давр бўлди.

Ҳозир республика саноати урушдан илгариги даражадан деярли 10 баравар ўсган, 1959 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1939 йилдаги буржуа Латвияси ишлаб чиқаришининг бутун ҳажмига тенг бўлган бўлса, бунга шу туфайли эришилдики, Латвияга мамлакатимизнинг барча халқлари, даставвал улуғ рус халқи ёрдам кўрсатди, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати республика экономикасини мустаҳкамлашга муттасил эътибор бериб турибди.

Латвия республикаси электрлаштирилган темир йўллар учун моторли ва прицепли вагонлар ишлаб чиқариш, автомобиллар учун электр ускуналар ишлаб чиқариш бўйича, қоғоз чиқариш ва торф қазиб олиш бўйича СССР да қўзга кўринарли ўринни эгаллади. Ҳозир бизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқдаки, бу маҳсулотлар буржуазия Латвиясида сира ишлаб чиқарилмас эди. Булар орасида кўчма электростанциялар, конфортабель автобуслар, қудратли гидротурбиналар, денгиз буксирлари, автоматик телефон станциялар, контроль-ўлчов асбоблари бор. Ўтган йилнинг ўзидагина яна 500 га яқин турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўтган йили республика корхоналарида ўнта автомат ва ярим автомат линия, 30 дан ортиқ конвейер ва поток линиялари, шунингдек 100 дан ортиқ хилма-хил энг янги станоклар ўрнатилди.

Қишлоқ ҳаётида ҳам тубли ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир республикада 1400 га яқин колхоз ва совхоз бор. Уларнинг деярли ҳаммаси миллионларча сўм даромад қилмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари ихтиёрига Ватанимиз саноати ишлаб чиқарган қудратли техника бериб қўйилган.

Латиш қишлоғида янги кишилар ўсиб етишди, уларнинг номи республикамиздан бошқа жойларда ҳам маълумдир. Яқинда Гулбене районидаги «Кондарбиба» колхозининг сут соғувчиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марта Семуде ватанида унинг бронзадан ясалган ҳайкали ўрнатилди. Бу колхоздаги тантаналар аслида республика қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашлари эришган катта муваффақиятларнинг ифодаси бўлди. Добеле районидаги «Катениеки» совхозининг чорвадори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антон Бартулис, Лиелплатон тажриба станциясининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фелиция Чуплинская, Цесис районидаги «Сарканайс Октобрис» колхозининг чўчқабоқари, СССР Олий Советининг депутати Мильда Фридрихсонеларнинг номини ҳам фахр билан тилга олиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси янги иш методларини ва фан муваффақиятларини жорий қилиб, ажойиб натижаларга эришдилар.

20 йил ичида республикада чинакам маданий революция рўй берди. Латиш интеллигенцияси олдида кенг истиқболлар очилди. Латвия олимлари ядро реакцияларини, космик нурларни тадқиқ қилиш, ярим ўтказгичлардан фойдаланиш, автоматика ва ҳисоблаш техникасини жорий қилишга оид проблемалар устида ишламоқдалар. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалалари республика олимлари фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик латиш маданияти барқ уриб яшнади. Ёзувчиларимиз, маданият ва санъат арбоблари самарали ишламоқдалар. Ёзувчилардан Андрей Упит, Вилис Лацис, Анна Саксе ва бошқаларнинг номи бутун дунёга машҳурдир.

Ҳозир қишлоқ жойларнинг ўзидагина 2000 дан кўпроқ кутубхона бор, халқ уйларининг сони эса 1940 йилга нисбатан қарийб 15 баравар кўпайди. Республикада ҳар йили 10 миллион томга яқин китоб чиқарилмоқда.

Латвиянинг тўққиз олий ўқув юрти ҳар йили халқ хўжалигининг турли соҳалари учун икки мингдан кўпроқ ёш мутахассис тайёрлаб бермоқда. Бундан 15 йил илгари тузилган фанлар академияси составида 15 илмий-текшириш институти бор.

Совет Латвиясининг меҳнаткашлари халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги ҳамма улуғвор ғалабаларга жонажон Коммунистик партия ғамхўрлиги туфайли, халқлар дўстлиги туфайли эришганликларини яхши биладилар.

Республикамиз меҳнаткашлари социалистик миллатлар қардошларча оиласининг сафида ижодий кучлари гуллаб-яшнаган ҳолда, ўзларининг порлоқ келажагига дадил қараб, коммунизмнинг нурли чўққилари сари шаҳдам қадам ташлаб бормоқдалар.

(ТАСС).

ФАХРЛИ КАСБ

Менинг касбим ғиштчи. Эстонияда Совет ҳокимияти тикланган дастлабки кунларда ишни Мулла кўчасига болалар уйи қурилишидан бошладим. Шундан бери меҳнаткашлар учун шинам уйлар қуриш билан машғулман.

Лекин Улуғ Ватан уруши даврида ғиштчилик асбобини қурол билан алмаштиришга тўғри келди. Уруш оқибатида гўзал Эстон шаҳарларининг кўпини немис фашистлари вайрон этдилар. 1944 йилда Таллинда кимки бўлган бўлса ич-ичидан ачиғлан. Гўзал шаҳарнинг ярми ер билан яксон бўлганди. Бу яра урушдан кейин тезда тузатилди. Энди Таллинга келган киши шаҳар қиёфасига боқиб ҳузур қилади. Яна ўн йилдан кейин келган киши шаҳар икки баравар кенгайиб кетганини кўради. Шунда ҳамма чиройли ва қулай жойлар билан тўла таъмин этилган бўлади.

Таллин қадимий шаҳар. Ўтган йили шаҳарда 434 бино қурилди. Бундан 104 таси олти-саккиз қаватли. Уч юздан ортиқ меҳнаткаш эса ўзи шинам уйлар қуриб олди.

Биз жуда яхши ишлаяпмиз. Мен бошлиқ бригадага коммунистик меҳнат бригадаси номи берилган эди. Бу илғор бригадага бошчилик қилишни шогирдим Туулисга топшириб, ўзим қолоқ бригадага ўтдим. Ҳозирда бу бригадада ҳам ишлар яхши боряпти.

Ҳозир мен бошлиқ бригада Вармализ ва Оя кўчалари ўртасидаги қурилишда ишламоқда. Тез орада юзга яқин оила янги биноларга кўчиб киради. Янги биноларда яллалар авжланади, тўй-томошалар бўлади. Биз қурувчилар бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки биз ҳунаримиз, меҳнатимиз билан халқнинг турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўшмоқдамиз.

К. КЯРБЕР,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, Таллиндаги қурилиш бошқармаси ғиштчилар бригадасининг бошлиғи.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН...

△ *Латвия ССР Совет Иттифоқининг Ғарбий қисмига жойлашган Болтиқ бўйи республикаларидан бири. Территорияси 64 минг квадрат километр, аҳолиси 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ 2094 минг кишидан иборат.*

△ *Шу кунларда республикада 50 мингдан ортиқ ишчи коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақада қатнашмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Гагановага эрешган 170 илғор ишчилар қолоқ участкаларга ўтиб, бу участкаларни илғор участкаларга айлантирдилар.*

△ *Етти йилликнинг биринчи йил плани 106 процент бажарилди.*

△ *Етти йил ичида электроэнергия ҳосил қилиш 2,2 баравар кўпаяди.*

△ *Маҳсулотнинг баъзи турларини ишлаб чиқаришда шу йилиёқ 1965 йилдаги даражага етиб олинади.*

△ *1959 йилда Латвия 40 дан ортиқ чет мамлакатга саноат маҳсулотлари юборди.*

△ *Латвия қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари гўшт етиштириш бўйича етти йиллик планни 1962 йилдаёқ бажаришга, сут етиштириш планини эса 1963 йилда бажаришга аҳд қилдилар.*

△ *1959 йилда республикада 150 минг квадрат ҳажмдаги уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Бу 1955 йилдагига қараганда икки баравардан ортиқ.*

△ *Ҳозир республикада 250 ўрта мактаб бор. Ваҳоланки, буржуазия Латвиясида 50 га яқин мактаб бор эди. Ўқувчилар сони 17600 дан 42800 кишига кўпайди.*

ОРЗУЛАР УШАЛДИ

Литва ССР Олий Советининг Президиумининг раиси Ю. И. ПАЛЕЦКИС билан суҳбат

<>

Ўзи бунёдга келган кунинг йигирма йиллигини нишонлаётган Совет Литвасида яратувчилик пафоси ҳукм сурмоқда. Помешчик ҳамда капиталистларнинг манфур зулмини 1940 йилда улоқтириб ташлаган Литва халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида, совет халқларининг улуғ қардошлик оиласида коммунизм сари бормоқда.

Ўтмишда капиталист Европанинг аграр қўшимчаси бўлган Литва эндиликда гуллаб-яшнаган социалистик индустриал-колхоз республикасидир.

Саноат ишлаб чиқаришнинг структураси тубдан ўзгарди. Металл ишлаш ва машинасозлик саноати 1959 йилда 1940 йилдагига нисбатан ўн барвар кўп маҳсулот берди. Литва корхоналарининг фабрика тамғаси солинган машина ва приборлар қардош совет республикаларининг ҳаммасига жўнатилиб турибди. Бу машина ва приборларни халқ демократияси мамлакатларида, капиталистик давлатларда ҳам учратиш мумкин. Литва маҳсулоти дунёдаги 43 мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Шаҳарларимиз тез суръатлар билан ўсмоқда. Бутун Литвада янги қурилишлар авж олдириб юборилди. Йигирма йил мобайнида саноатда ишлаётган кишиларнинг сони беш баравардан кўпроқ, олий ва махсус ўрта маълумотга эга бўлган мутахассислар сони эса тахминан тўрт баравар кўпайди.

Буржуа Литвасида шаҳарлар ниҳоят секин ривожланар эди, чунки уларнинг ўсиши учун табиий негиз йўқ эди. Литва саноатининг биринчи жаҳон уруши олдидан бошланган тараққиёти бутун Россиянинг индустриал тараққиёти билан чамбарчас боғланган эди. Буржуазия томонидан ўзларининг табиий иқтисодий илдизларидан юлиб олинган, чет эл капиталига қарам қилиб қўйилган Литва саноати турғунлик ҳолатини кечирар эди. Буржуа ҳукмронлигининг йигирма йили мобайнида ишчилар сони атиги 11 минг киши кўпайди, холос.

Қишлоқлардаги аҳвол ҳам тузук эмас эди. Неча юз минглаб деҳқонлар уз юртларида иш тополмас эдилар. Қишлоқ камбағалларидан юз мингга яқин киши океаннинг нариёғига жўнаб кетишга мажбур бўлди.

Колхоз тузуми Литва деҳқонларини бахтли ҳаёт қуришнинг кенг ва ёруғ йўлига олиб чиқди. Шу нарсани айтмоқ кифоя қиладики, Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигимиздаги энергетика қуввати беш баравар ошди.

Колхозларнинг жамоат хўжалиги мустаҳкамланмоқда. Уларнинг бойлиги ошмоқда. Қишлоқ хўжалик артелларининг пул даромадлари 1953 йилдаги 369 миллион сўмдан 1959 йилда бир миллиард 716 миллион сўмга кўпайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг товарлиги тинмай ўсмоқда. Ҳозирги вақтда Литвада аҳоли жон бошига АҚШ дан кўпроқ сут ва ёғ етиштирилмоқда. республикамиз юқори сифатли бекон етказиб беришнинг йирик манбаи бўлиб қолди.

Литвада чинакам маданий революция ҳам юз берди. 1940 йилда биз буржуа тузумидан мерос қилиб уч юз мингга яқин саводсиз кишиларни олдик. Буржуазия ишчилар, меҳнаткаш деҳқондарнинг қоронгилиқда яшаб, худога ва бойга бош эгиб хизмат қилишлари, иш ҳайвони бўлишлари учунгина интилар эди. 1939 йилда Литвада олий ва ўрта маълумотли мутахассислардан 21 минг киши бор эди. Ҳозирги вақтда эса уларнинг сони деярли 90 минг кишини ташкил қилади.

Аҳолидан ҳар минг киши ҳисобига ўқиётган студентларнинг сони жиҳатидан Литва Франция, Швеция, Италия, Норвегия, Финляндия сингари ва кўпгина бошқа капиталистик мамлакатлардан икки-уч баравар ўзиб кетди.

Эски Литвада Фанлар академияси, филармония йўқ эди. Эндиликда эса бундай муассасалар бор. Миллий киносанъати вужудга келтирилди, бадиий ҳаваскорлик оммавий тус олиб, уларнинг сафларида ишчилар, колхозчилар, хизматчилардан 220 минг киши қатнашмоқда.

Литва халқи илғор миллий традицияларни меҳр билан сақлаб, бу традицияларни ривожлантирмоқда. Шу билан бирга Литва ўлкасида пролетар интернационализми, халқларнинг улуғ дўстлигидан иборат ажойиб, олижаноб идеялар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Неман дарёсида қурилган Каунас гидроэлектростанцияси совет халқларининг қардошларча дўстлиги ҳамда ҳамкорлигининг символи сингари қад кўтариб турибди. Улуғ дўстлик Литва дарёларининг отаси бўлган ана шу қадимий дарёни жиловлаб, унинг қувватини халққа хизмат қилишга мажбур этишда ёрдам берди. Ана шу гидроэлектростанцияни барпо этишда қардош республикаларнинг ҳаммаси техника жиҳатидан ўзларининг ажойиб мутахассислари билан Литвага ёрдам бериб турдилар.

Литва халқи жонажон ўлкада Совет ҳокимиятининг тарихий йигирма йиллигини ўз қучлари равнақ топган бир даврда кутиб олди. Меҳнат аҳлининг кўпгина авлодлари орзу қилган нарсалар ажойиб воқеликка айланди. КПСС XXI съезди бизнинг олдимизда ажойиб истиқбол очиб берди. Биз, партиямизнинг буюк режаларини бажарамиз. Совет халқларининг улуғ дўстлиги — ана шунинг гаровидир. Бизнинг кучимиз ана шу дўстликдадир. (ТАСС).

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН...

△ *Литва ССР Болтиқ бўйи республикаларидан бири. Территорияси 65,3 минг квадрат километр, аҳолиси 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ 2 миллион 713 минг кишидан иборат.*

△ *Кейинги вақтларда республика корхоналарида социалистик мусобақанинг янги формалари ривож топди. 1400 коллектив коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак ва шарафли унвон учун курашмоқда, 160 дан ортиқ киши В. Гаганова ташаббусига қўшилди.*

△ *1959 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1958 йилга нисбатан 13 процент кўпайди, 1940 йилга нисбатан эса 9 марта ошди.*

△ *1959 йилда республикада 21 янги саноат корхонаси ва 14 цех ишга туширилди.*

△ *Литва балиқчилари ўтган йили 1938 йилга нисбатан 36 баравар кўп балиқ тутдилар. Жон бошига балиқ тутишда Литва Англия ва Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетди.*

△ *Республика колхоз ва совхозларида кейинги икки йил ичида қора моллар сони 42 процент, сигирлар 32 процент, чўчқалар 46 процент кўпайди.*

△ *Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини беш йил ичида бажариш мажбуриятини олдилар.*

△ *Аҳолининг моддий-маиший турмуши тобора яхшиланиб бормоқда. 1959 йилда 46 минг ишчи ва хизматчи етти соатлик иш кунига кўчди.*

Ҳозирги Латвия ССР инг кўпгина ерлари ўтмишда ботқоқликдан иборат бўлиб, инсон манфаатига хизмат қилмас эди. Совет ҳокимияти даврида ботқоқликка ҳужум бошланди. Кўп ерлар ўзлаштирилиб экинзорга айлантирилди. Мана, Лиепай районидаги янги ташкил қилинган «Ница» совхози, 1200 гектар ботқоқликни ўзлаштириб картошказорга айлантирди. Совхозда ботқоқ ерларни ўзлаштириш давом эттирилмоқда. СУРАТДА: «Ница» совхозида ботқоқлик ерларда зовурларга труба ўтказиш.

ТАСС фотохроникаси.

СУРАТДА: Эстония ССР даги 2-шахтанинг юк ортиш машина машинисти ёрдамчиси илғор Велло Сээт.

ТАСС фотохроникаси.

ГУЛЛАЁТГАН ЭСТОНИЯ

В. КЛАУСОН, Эстония ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

<>

Улуғ Октябрь Социалистик революцияси туфайли 1917 йилнинг ноябрида эстон меҳнаткашлари ўз ўлкаларида Совет ҳокимиятини ўрнатишга муяссар бўлдилар.

Лекин эстон буржуа-миллатчилари халқаро контрреволюция бирлашган кучлари ва рус оқгвардиячиларининг ёрдамида халқ манфаатига зид ўлароқ 1919 йилда мамлакатда капиталистик тартибни қайта тиклади.

Эстония ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, Коммунистик партия раҳбарлигида 1940 йилда буржуа-миллатчилари ҳамда чет эл капиталистлари зулмидан озод бўлди. Меҳнаткашларнинг якдил қарорига асосан Эстонияда Совет Социалистик Республикаси эълон қилинди. 1940 йилнинг 21 июлида Эстония ССРнинг Давлат думаси СССР Олий Советига мурожаат қилиб, Эстонияни Совет Иттифоқи составига киритишни илтимос қилди. Ўша йилнинг 6 августида бу илтимос қондирилди ва шу кундан бошлаб эстон халқи совет халқи улуғ қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

Эстонияда Совет ҳокимияти тикланиши биланоқ катта ўзгаришлар бошланиб кетди.

Саноат жуда тез тараққий эта бошлади. Қардош республикалар ёрдамида завод ва фабрикалар хомашё ҳамда янги асбоб-ускуналар билан таъминлана бошлади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам кескин бурулиш юз берди. Ер халқ мулкига айланди, 53 мингдан ортиқ батрак ер участкасига эга бўлди.

Бироқ, герман фашизмининг Совет Иттифоқига қўққисдан бостириб кириши Эстониянинг социалистик асосда муваффақият билан қайта қуриш ишининг вақтинча секинлашиб қолишига сабаб бўлди.

1944 йилнинг ноябрида Эстония немис-фашист босқинчиларидан озод қилинди.

Эстония фашист оккупантлардан озод қилиниши биланоқ, республика халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга киришилди. Бу яратувчилик ишида қардош республикалар актив ёрдам кўрсатдилар. Қисқа вақт ичида халқ хўжалигини юксалтиришда мисли сиз ютуқлар қўлга киритилди.

Республикани индустрлаш жараёнида саноатнинг ҳамма тармоқлари ўсди. Сланец , торф, кимё маҳсулотлари, электр қуввати, қурилиш материаллари, қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш тараққий этди. Балиқ ва озиқ-овқат саноати юксалди. Машинасозлик ва тўқимачилик саноатлари гуркираб кетди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Тарқоқ якка деҳқон хўжаликлари ва қулоқ хўжаликлари ўрнига социалистик колхоз ҳамда совхозлар ташкил этилди. Улар илғор қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланди.

Республика қишлоқ хўжалик ходимлари иттифоқ ҳукуматининг ёрдами билан КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва партия XXI съезди қарорларини муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Республикада йирик машина-мелиоратив станциялар қурилган. Бу—ҳар йили ўн минг гектарлаб ботқоқ ерларни қуритиш ва ўзлаштириш имконини бермоқда.

Эстон халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти барқ уриб яшнади.

Халқ моддий-маданий фаровонлиги кун сайин яхшиланяпти. Меҳнат унумдорлиги ўсганлиги сабабли ишчи ва хизматчиларнинг, айниқса кам маош олувчиларнинг реал даромаддари анча ошди. Шу йилнинг охирларигача 6 ва 7 соатлик иш кунига кўчиш тугалланади.

Эстон халқи мамлакатимизда коммунизм қурилишининг тўла тантанаси учун олиб борилаётган умумхалқ курашига актив қатнашмоқда. Эстон меҳнаткашлари бошқа қардош республикалар билан ҳамкорликда етти йиллик план улуғвор программасини муваффақият билан бажариш учун бутун куч-ғайратини сафарбар этган. Етти йилликда республика саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тахминан 1,8 марта ошади. Энергетика саноатини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йиллар ичида электр қуввати ишлаб чиқариш деярли 6 баравар, машинасозлик маҳсулотлари 2,3 марта, қурилиш материаллари саноати 3 баравар ўсади. Республикада ўнлаб асбобсозлик, қурилиш материаллари, кимё, енгил саноат ва бошқа тармоқлар янгидан қурилади.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, айниқса сутчилик ва чорвачилик янада ривожлантирилади.

Республика халқ хўжалигига етти йил давомида 11,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Бу ўтган етти йилликдагига нисбатан икки баравар ортиқ деган сўздир.

Юқорида келтирилган факт ва рақамлар Эстония Совет Социалистик Республикаси 20 йил ичида мисли сиз даражада равнақ топганлигини яққол кўрсатади.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН...

Республика ташкил этилган даврдан кейин, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин Эстония халқ хўжалиги ва маданияти тез суръатлар билан ривожланмоқда:

САНОАТ: 1946—1947 йиллардаёқ саноатнинг кўпгина турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражадан ошиб кетди. 1959 йилда саноат маҳсулотлари умумий ҳажми 1940 йилга нисбатан 10 марта, 1945 йилдагига нисбатан эса, 14 баравар ошди. Саноат ходимларининг малакасини ҳамда ижодий ташаббусининг ошиб бориши ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш туфайли саноатда меҳнат унумдорлиги ҳар йили 8—10 процент ўсиб бормоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: Ўтмишда даққиюнусдан қолган қурол билан ишлаган Эстония деҳқони эндиликда илғор қишлоқ хўжалик техникаси билан қуролланиб, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ўсдириб бормоқда. 1959 йилнинг бошида республикада 7 мингдан ортиқ трактор, 1958 комбайн, жуда кўп автомобиль ва бошқа машиналар ишлади.

Қишлоқ хўжалигининг ўсиши билан колхозчи деҳқонлар даромади ҳам кўпайиб бормоқда.

МАДАНИЯТ: Буржуазия Эстониясида 1939—1940 йилларда атиги 48 мактаб (шундан 2 таси қишлоқда) бўлган эди. 1959 йилга келиб фақат ўрта мактаблар сони 208 тага (шундан 43 таси қишлоқларда) етди. Ҳозир республикада 6 олий ўқув юрти ва 33 та техникум бор. Эстония ўз Фанлар академияси ва кўплаб маданий-оқартув муассасаларига эга.

КОММУНИЗМ ПИОНЕРЛАРИ

«Коммунистик жамият меҳнаткашлари ўзларининг гражданлик бурчларини юксак даражада англашлари билан, ўз меҳнатларининг, коммунизм қурилишидан иборат умумий ишга қўшаётган ҳиссаларининг аҳамиятини тушунганликлари билан фарқ қиладилар. Шу билан бирга улар юксак маданияти билан, ўз билимларини такомиллаштиришга интилишлари билан, ижодий меҳнат аҳлига хос бўлган энг яхши инсоний фазилатлари билан бошқалардан фарқ қиладилар. Бу жуда қувончли бир ҳолдир, ўртоқлар! Коммунистик жамият кишилари юксак даражада онгли, билимли, маданий кишилар бўлишлари керакда, ахир. Улар учун меҳнат ҳаётий эҳтиёждир ва янги билимларни ҳосил қилиш, маданий савияни ошириш, коммунистик жамиятда яшаш қоидаларига риоя қилиш ҳам улар учун шундай ҳаётий эҳтиёждир. Инсониятнинг улуғ мутафаккирлари шундай кишиларни, шундай жамиятни орзу қилган эдилар, илмий коммунизмнинг асосчилари Маркс ва Энгельс, ўлмас доҳиймиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин ўз донишмандликлари билан шундай кишиларни тасаввур этган эдилар».

(Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорлари Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқидан).

СЎЗ—КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Р. ҚАРШИЕВ
«Ингичка» конида тош тешувчи машина бошқарувчиси

Шу йилнинг етти ойлик планини бизнинг смена муддатидан уч ҳафта илгари бажариб қўйди. Бундай ютуққа эришишимизнинг асосий сабабларидан бири, шуки, бизда руда қазишдан тортиб уни ер юзасига ташиб чиқаришгача бўлган ишларнинг ҳаммаси тўла-тўкис механизациялаштирилган. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарори билан танишиб чиққанимиздан сўнг техникани янада тараққий эттириш учун бундан буён тағин ҳам зўр куч ва ғайрат билан ишлашга аҳд қилдик.

У. ИСМАТОВ
Андижон область Наманган районидаги «Ленинград» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи

Бу йил об-ҳаво шароити пахтачилик учун анча ноқулай келди. Лекин қунт билан меҳнат қилинса, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини тажрибада кўриб турибмиз. Утган йили биз 33 киши 80 гектар ерга пахта экиб, 42 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил эса 26 киши 90 гектар ерга пахта экдик ва 45 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқдамиз. Ҳозир ғўзамизни тўрт марта узунасига ва кўндалангига парвариш қилдик ва уч марта озиқлантирдик. Ҳозирги вақтда ғўзамизнинг ривожи ўтган йилнинг шу давридагидан анча яхши.

П. АШИРМАТОВ
Бўстонлиқ районидаги ойна заводи вертикаль ойна чўзиш машинасининг мастери

Мен ишчи-ёшлар мактабини шу йили битирдим. Бригадиримиз Ю. Прохоров эса техникумни тугатди. Бригадамизда ўқимаётган киши йўқ.

Яхши дам олинса, меҳнат ҳам унумли бўлар экан, кишининг билим доираси кенгайиб борар экан. Биз заводимиз автобусида тез-тез Тошкент шаҳрига келиб, янги спектаклларни, концертларни кўриб кетамиз, Бурчмуллага, Хўжакентга бориб, оромбахш жойларда дам оламиз.

Эртасига ишга келганимизда ўзимизни шундай енгил ҳис қиламизки, ишлайвериб тўймаймиз. Смена нормасини ҳеч 120—130 процентдан кам бажармаймиз.

Ишдан сўнг жамоат ишларига қатнашишга ҳам вақт топамиз. Мен ўзим халқ дружинасининг аъзоси ва агитаторман.

В. ЖУМАНИЕЗОВ
Хоразм область Ҳазорасп пахта тозалаш заводининг смена бошлиғи

Улуғ раҳбаримиз Н. С. Хрушчев Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларига юксак баҳо берди. Бригадамиз аъзолари бу баҳодан руҳланиб, меҳнат унумдорлигини кун сайин оширмоқдалар, техникани тараққий эттириш учун кун сайин курашиб, оғир қўл меҳнатини механизациялаштирмоқдалар. Шу туфайли биз етти ойлик планни олти ойдаёқ бажариб қўйган эдик.

Дўстларим мени кенгашга кузата туриб, республикамиздаги илғор пахта тозалаш заводлари ишини яхшилаб ўрганиб келишни сўрашди. Бугунги кенгашимиз менга дўстларим топшириғини бажаришга ёрдам беради, деб умид қиламан.

КОММУНИЗМ ЭЛЧИСИ

(Коммунистик меҳнат бригадасига)

Меҳнат! Меҳнат! Озод меҳнат
Сенинг бахтинг, кўркингдир.
Мўъжизалар яратмоқлик
Қалб бурчингдир, эркингдир.
Сенинг шонли бригадангда
Истиқболнинг уфқи бор.
Коммунизм элчиси сан,
Сенсан унда байроқдор.
Қалбинг сенинг бир оташгоҳ,
Фикри-ўйинг лочиндир.
Сен меҳнатда йўлчи юлдуз,
Десак бу чиндир.
Йўлларингга чаманларнинг
Гули бўлсин поёндоз!
Шаънинг учун қўшиқ айтсак,
Достон битсак, бу ҳам оз.
Коммунизм бўстонига
Қадам қўйдинг сен бошлаб.
Ленин сенинг қўлинг сиққан,
Оқ йўл тилаб, олқишлаб.
Йўлларингга қуёш бўлиб,
Нурин сочар у ўзи.
Мамнун сендан Бугун, Эрта,
Мамнун бўлур Келгуси!
Коммунизм дастурхонин
Тўридадир, бил, жойинг.
Давримизга ярашади
Ишинг, хулқинг, чиройинг.

ШУҲРАТ
21 июль 1960 йил.

ШАРОФАТ

Республикамизнинг ажойиб ёшлари Москва — Сортировочная станцияси ёшларининг ташаббусига дарҳол қўшилдилар. Саид Нуриддинов, Валентина Пидинова, Владимир Ермошкин, Маннон Жалолов сингари ўртоқлар бу ватанпарварларнинг кетидан биринчи бўлиб эргашдилар. Орадан кўп ўтмай, коммунистик меҳнат бригадалари юз мингларнинг ҳаракатига айланиб кетди. Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг кундалик, ойлик, йиллик иш натижаларини кўрсангиз завқингиз қайнаб кетади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини ошириб бажариш билангина чекланмай, меҳнат унумдорлигини тобора оширмоқдалар, маҳсулот таннархини камайтирмоқдалар, сифатини яхшиламоқдалар.

Яхши ташаббуснинг шарофати билан улар унумли меҳнатни маданий-техникавий ва умумий таълим савиясини ошириш билан бирга қўшиб олиб бормоқдалар.

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводининг 3-механика цехи заводда доим қолоқ ҳисобланарди. Бу цехнинг плани кўпинча бажарилмас, кўп брак чиқарилар эди. Бу ерда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун кураш бошлангач, цех коллективи заводда олдинги ўринга чиқиб олди.

Ҳозир цехдаги ҳамма бригада ва участкалар коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда. Бу эса коллективнинг ҳар бир аъзосини тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Энди интизомнинг бузилишига бутунлай чек қўйилди ва ҳатто коммунистик меҳнат бригадаларининг ҳамма аъзолари актив дружиначилардир.

Бу ҳаракатда қишлоқ ёшлари ҳам муносиб ўрин олмоқдалар. Ўтган йили Маннон Жалолов бошлиқ бригада 180 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,6 центнердан пахта ҳосили олди. Ҳар центнер пахтани етиштиришга 3,2 меҳнат куни сарф қилинди. Бу йил бригада аъзолари ғўза парвариши ишларини комплекс механизация ёрдамида ўтказмоқда.

Республикамиз комсомол-ёшлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар ва ишлаб чиқаришга янги техника ҳамда илғор технологияни тезроқ жорий қилиш учун, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини яна ҳам қизитиш учун курашни янги куч билан авж олдириб юбордилар.

Область, шаҳар, район комсомол комитетлари, корхоналардаги, транспорт ва қурилишлардаги, колхоз ва совхозлардаги комсомол ташкилотлари ёшларнинг ижодий активлигига малакали раҳбарлик қилишлари ва туғилаётган янгиликларни дарҳол қўллаб-қувватлаб, кенг ёйишлари керак.

О. АКРАМОВ.
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари.

АВТОМАТЛАР ЁРДАМИДА

Бухоро область матлубот союзи областда биринчи консерва заводини қуришга тайёргарлик кўра бошлади. Бу корхонанинг лойиҳаси «Гипропишчепром» институти томонидан ишлаб чиқилди.

Область маркази атрофида махсус қурилиш майдончаси ажратилиб берилди. Бўлажак корхона ихтисослаштирилган Фрунзе номли сабзавотчилик колхози ва «Когон» сабзавотчилик совхози яқинида қурилади. Бухоро заводи йилига беш миллион банка сабзавот, мева ва гўшт консервалари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Асосий ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш мўлжаллаб қўйилди. Бу ерда ёқилғи сифатида маҳаллий табиий газдан фойдаланилади. Бунинг натижасида маҳсулот таннархи ана шундай консерва заводларидагига нисбатан тахминан 20 процент арзон бўлади.

Бекобод металлурглари коммунистик меҳнат бригадалари мусобақасида пешқадамликни қўлдан бермай келаётирлар. СУРАТДА: заводнинг илғор прокатчилари (чапдан ўнгга): Т. Альметова, И. Мадаминов, У. Эминов, Х. Муллабоева, Б. Жумабоев, А. Холмирзаева ва М. Рўзнев ўртоқлар смена тамом бўлгач, завод ҳовлисида суҳбатлашмоқдалар.

ГЎДАК ҚЎЛ КЎТАРАДИ

ОЧЕРК

Кенг қўрғонга кирганимизда, эндигина ремонтдан чиқарилиб, оқланган хоналарга жой солинаётган эди. Уй анжомлари саҳнда ёйиглик ётади. Кровать, шкаф, стол, стуллар пешайвоннинг олдида омонат қўйилганча турибди. Ҳали чангги қоқилмаган гилам, шолчалар ва қати бузилган ўрин-кўрпалар, бошқа майда-чуйда нарсалар ҳам хоналардан чиқарилганда қаерга қўйилган бўлса, ўша ерда.

Бизни 55—60 ёшлардаги истараси иссиқ ва майин чеҳрали аёл кутиб олди:

— Келинглар, келаверинглар, — деб жой солиш тараддудига тушди у. Аёл саломимизга жавоб бериш ўрнига бизни бирор ерга ўтқазишга шошилар эди, биз ҳали нима иш билан келганимизни, кимни йўқлашимизни билмагани ҳолда ҳовлида кўндаланг турган кроватга кўрпача ёза бошлади. «Қани ўтиринглар» деб таклиф қилар экан, унинг юзидан «бу ерга келган одам йўлакдан кетмайди, бир пас ўтириб, жилла бўлмаса бир пиёла чой ичади» дегандек ифодани кўриш мумкин эди. Бу Тошмаматнинг онаси Рафоатхола. «Қўйинг, уринманг» деганимизга қарамай, хола чой ҳозирлаш ва дастурхон ёзишга ҳаракат қилди ва бизнинг олазарак бўлиб қарашимизни сездими, «Тошмаматнинг ҳам вақти бўлди, ҳали-замон келиб қолади» деди.

— Тошмамат кечаси қай вақтда келди, — деб сўради ҳамроҳим мени ўтиришга таклиф қилиб. У ўша ерлик бўлиб, Тошмаматнинг жўраларидан экан.

— Ярим кечадан оққонда келди, чамаси йўлда машина бузилиб қолган, бир пас бошини қўйди-ю, гира-ширада далага чиқиб кетди.

Қорачадан келган, чеҳрасида одоб ва самимият барқ уриб турган ёшгина жувон биз ҳовлига кирганимизда кўрпа ёстиқларни қоқиб, тахлаётган эди. Эгнига ўтирган чангларни қоқиб тузатинди-да, яқин келиб биз билан сўрашгач, холага «ўзим қиламан, сиз уринманг» деган ишорани билдирди. Бу Тошмаматнинг хотини Туҳфахон. Айвонда уч яшарча жажжи қиз ҳеч ким билан иши бўлмай, бепарво қўғирчоқ ўйнамоқда. Хола уни эркалаб, бир нима деди-да, беланчакда гувраниб ётган, энди зерикиб, ҳархаша қилаётган ўн ойлик набирасини қўлига олди. Оппоқ, Тўндиқ бола. Қарашларида ҳис, маъно йўқ. Лекин бизни кўриш билан ўнг қўлини осмонга кўтариб, товушсизгина оғзини катта очганча қараб қолди.

Кампир кулди. У ҳам қўлини худди гўдакникига ўхшаш кўтариб, оғзини ҳам унга ўхшаш очиб, бир нарса пичиллади. Бундан ўзи уялдими, юзи қизариб кетди. Сўнгра «ҳа, ҳа, бўлди» деди ҳамон қўлини кўтариб бизга бир хилда тикилиб турган болага меҳрибон боқиб.

Гўдак бувисининг гапига тушунган ва итоат қилгандек, зудлик билан қўлини пастга туширди ва оғзини юмиб олди.

Мен ҳайрон бўлиб ҳамроҳимга қарадим. Ҳамроҳим ҳам ҳеч нарсага тушунмай холага боқди. Шу чоқ кўчада болаларнинг товуши эшитилди. Бунинг кетидан хотин киши ва эркакларнинг ўзаро сўзлашган овозлари келди, гуруллаб автомашина, «пат-пат» қилиб мотоцикл ўтди. Гўдак бувисининг қўлида атрофга ўгирилишга ҳаракат қилар, товуш келаётган томонга қулоқ солиб, яна ҳалигидек қўлини кўтарарди.

Таажжубимиз яна ҳам ортди. Хола буни сезиб турган экан, набирасини эркалаб деди:

— Бола — шогирд деганлари рост экан. Тошмамат ҳам ёшлигида шунақа эди. Қай куни Тошмамат Москвадан келганда митинг бўлибди. Келганини биз ҳам билмапмиз. Бир вақт хабар қилишдики, сизларни ҳам чақиришяпти деб. Қўлимга Нуъмонжонни (набирасига қараб) олиб югурдим. Борсак тумонот йиғилган. Директоримиз, парткомимиз, анча ишчилар чиқиб сўзлашди. Ҳамма ўғлимни табриклади. Дўст-ёрлари маҳкам қучоқлаб, юзидан ўпишарди. Севинчимни қўяверинг. Ўғлимнинг ёнига бориб, кўришишни ҳам унутибман, яккаш титрайман. Нима бўляпти ўзи, «ура», «ура» деб қўл кўтаришади. Кейин билсам, ўғлим герой бўлганига шунақа хурсандчилик қилишаётган экан. Уйга қайтдик. Бу ерда ҳам одамлар тўлиб кетди. Ана шундан бери эшикдан икки одам кириб келса, боласи тушмагур қўлини кўтаради.

Воқеага энди тушундик. Гўдакнинг боя беҳудадек қўл кўтариши ва оғзининг очиши энди улуғ маънони англатган, замонамиз шукуҳи, тузумимиз улуғворлиги, инсон қадри—қиймати ва бахти-саодатини ифода этувчи символ каби туйилган эди. Боланинг ҳаракати зотан механик равишда қилинаётган ҳаракат бўлса ҳам, унинг замирида халқнинг ўз илғор кишисига бўлган иззат-ҳурмати, партия ва ҳукуматимизнинг раҳнамолиги шу гўдакнинг осуда қилиғида ифода этиларди. Бу айни пайтда ҳам кўнгилли, ҳам ибратли эди. Уни қайта кўришга қизиқдик, лекин ҳар қанча алдаб, эркаласак ҳам гўдак қўлини кўтармади.

— Худди отасининг ўзи — деди Рафоат хола бояги сўзини такрорлаб—Тошмаматни ёшлигидаёқ ўз ихтиёридан ҳеч чалғитиб бўлмас эди. Катта бўлганида ҳам шу одати. Қиламан деган ишини қилмай қўймайди.

Мен Коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижоновни шу чоққача сиртдан билар эдим. Ўзини сира кўрмаганман, газетада чиққан суратларига қараганимда, уни қаттиқ иродали, ўткир фикрли ва ижод қилишда мустақил йигит деб ўйлар эдим. Онасининг сўзидан кейин уни кўришга бўлган қизиқишим яна ортди. Кеча кечқурун совхозга келганимда Тошмаматнинг область қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашига кетганини, ўшанақаси телевидение станциясига боришини билган эдим. 150 километр йўлни ҳам уёққа, ҳам буёққа босиб, саҳарда қайтган йигитни эрталаб албатта уйида учратаман деб ўйлаган эдим.

Маълумки, қалам аҳли бирор лавҳа ёзмоқчи бўлса, оладиган фактининг ишончли, турмушда характерли, бошқалар учун ибратли бўлишини кўзда тутади. Каттароқ асар ёзмоқчи бўлган киши қаҳрамонини яхшилаб ўрганишга, унинг ҳаётидан мумкин қадар романтик воқеани суриштириб топишга ҳаракат қилади. Ҳозир менинг кўз ўнгимда катта достон қаҳрамонига хос ҳислатга эга бўлган ҳақиқий романтик сиймо гавдаланарди.

Тошмаматни узоқ кутишга тўғри келди. Оила аъзолари бизни зерикиб қолишмасин деб даврада гапга солишарди. Рафоат хола Тошмаматни Чустдан кўчиб келган куни эртасига туққанлигини, оила 27 йилдан бери совхоз даргоҳида истиқомат қилиб келаётганлигини ҳикоя қилиб берди. Тошмамат шу оиланинг биринчи ўғли. Отаси Алижон ака Улуғ Ватан урушидан майиб бўлиб келиб, 1951 йилда вафот этган. Шундан кейин оила ташвиши ёш бола Тошмаматга тушган. У меҳнат билан олишиб, меҳнатда тобланган. Холанинг гапларида қаҳрамон ҳақида тахмин қилинган ўйларимизнинг ҳаммаси бутунича ифодаланар эди. Бу эса кўз ўнгимга ғойибона келтирган йигитнинг шаънини яна улуғлар эди.

Кўча эшикдан Тошмамат кириб келди. Рафоат хола енгил тортди. Бизга бўла ўғлига бир нима демоқчи эди, лекин унинг ҳорғин юзини кўриб, индамади. Тошмамат бизни кўргач тез-тез юриб келиб кўришди. Ўрнимиздан қўзғолишга ҳам улгуролмай қолдик. Йигитнинг ҳозиргина чеҳрасида кўринган ҳорғинликни энди сезиб бўлмас эди. У ўзини тетик ва бардам тутарди.

Тошмамат ўтириши билан оила аъзолари юзида мамнунлик, мағрурлик барқ уриб кетгандек, даврага файз киргандек бўлди. Одатда бир кўришга қизиққан кишингизнинг юзидан узоқ вақт кўз узолмайсиз. Ҳаёлда ўйлаган кишини энди жонли кишида қидирасиз. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Лекин Тошмаматда баъзи кишиларда бўладиган гурур йўқ. Бунинг ўрнига оддийлик ва камтарлик мужассам эди. Унинг кичик, чайир гавдаси чарчоқни билмаслигига, қараши, юз ифодалари мустаҳкам ирода, жуда оз кишиларда бўладиган самимийлик, ростгўйлик ва садоқатга белги эди. Суҳбат асносида бу ҳислатлар аста-секин бўрта борар, бунинг таъсирида унга бўлган ҳурмат ва тахсин орта борар эди. Тошмамат ўз бригадасидаги ютуқларни одамлар меҳнатига боғлар, ўзининг шарафли унвон эгаси бўлганлигини партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги натижаси деб билади.

Биз унинг бригадасидаги ишларни сўраб билмоқчи эдик. Шу орада бир нарса сабаб бўлиб, мавзуъ ўз-ўзидан бошлана қолди. Хотини Туҳфахон ичкари хонага кириб, бир конвертни олиб чиқди-да эрига узатди:

— Ҳали келди, узоқдан бўлса керак, деди сирли шипши билан кулиб.

Тошмамат хотинининг қўлидан конвертни олар экан, унга маъноли жилмайди. Лекин юзида сал истиола бор эди. Конвертни очиб хатни ўқишга тутинди. Ҳаммамиз жим бўлдик. У ичида ўқиб чиққач, Туҳфахонга ўгирилиб яна жилмайди:

— Киевдан экан ,Москвадаги кенгашда бирга бўлган танишим ёзибди. Хавотир олманг...

Туҳфахон юзини ўгирди. Лекин «меҳмонлар билмаса яхши эди» дегандек дарҳол яна эрига қаради. Биз шу пайт ҳеч нарса англамадик. Кейин билсак, Туҳфахон ҳар гал Тошмаматга келган хатни берганда «қизлар сизга салом айтишибди» деб ҳазиллашар экан.

Шундан сўнг суҳбатда ҳазил-ҳузил гаплар ҳам оралади. Ҳазилни Тошмаматнинг ўзи бошлар, ўзи ҳузур қилиб кулар, бошқаларни кулгига тортиш учун онасига, укаси, хотинига қизиқ-қизиқ гап қотарди.

— Олаётган хатларингизда бригадангизнинг ишлари тўғрисида ҳам сўрашса керак?

— Кўп хат ишимизга боғлиқ саволлардан иборат бўлади. Ҳаммасига жавоб ёзиб тураман, раҳмат, шунчалик йўқлашади...

Тошмамат бир пас жим бўлиб, бизнинг бирор нарса сўрамоқчи эканимизни пайқагандек оғзимизни пойлаб турди. Сўнгра яна ўзи сўзлай бошлади:

— Коммунистик меҳнат бригадаси номини олишдек шараф бутун умримга етади деб ўйлайман. (У бу иборани шундай ҳаяжон билан гапирдики, лаблари титраб кетди).

Тошмамат Алижоновнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор қилган шавкатли меҳнатини, ўтган йил унинг бригадаси 20 киши билан ишлаб, 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ҳосил олганлигини, Москвада бўлган коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг кенгашида сўзга чиқиб, янги мажбуриятлар олганлигини билар эдик. Шунинг учун ҳозир улар ҳақида сўраб ўтирмай, бу йилги режаларни қандай амалга ошираётганлиги билан қизиқдик.

— Бу йил, — деди у, — 150 гектар, 50 гектарни қўриқдан очдик. Албатта ҳамма иш механизация билан бўлади. Кетмон ишлатмаймиз. Центнеримиз 50. Биласизми — деди у мамнун бўлиб, — мен Кремлдаги кенгашда сўзга чиқиб, бу йил 40 центнерданга ваъда берган эдим. Бригадамиз комсомоллари менинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишим шарафига ўз йиғилишларида 50 центнер мажбурият олишиб, менга — Москвага телеграмма юборишибди. Телеграмма етиб борди. Кенгашда ўқиб эшиттирилди. Ҳамма олқишлади. Шундаги севинчимни асти қўйинг.

Биз яна бошқа кўп нарсаларни сўраб билмоқчи эдик. Тошмамат пиёладаги охирги ҳўплам чойини ичди-да, бизга қаради:

— Агар истасаларингиз, далага бирга чиқамиз, ўз кўзларингиз билан кўрингчи, 50 центнер берамизми, йўқми?

Дарҳол рози бўлдик. Муддаомиз ҳам шу эди. Бирга қўзғолдик. Тошмамат ўғлини эркалаб, юзидан ўпди-да, онасининг қўлига берди. Гурунглашиб қўрғондан чиқар эканмиз, гўдак қиқиллаганча отасига интилиб қўлини кўтариб қолди.

Ҳабиб НУЪМОН,
«Оққўрғон» совхози.

ШАРАФЛИ НОМ УЧУН КУРАШАЁТГАНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА 40 МИНГДАН КЎПРОҚ КИШИ
САМАРҚАНД — » — 11 — » — » »
АНДИЖОН — » — 10 МИНГГА ЯҚИН КИШИ
СУРХОНДАРЁ — » — 10 — » — » »
ФАРҒОНА — » — 9 — » — » »
БУХОРО — » — 7 МИНГДАН КЎПРОҚ КИШИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА 5 МИНГГА ЯҚИН КИШИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАСИ ВА ЗАРБДОРИ НОМИНИ ОЛИШ УЧУН КУРАШМОҚДА.

* * *

Тошкентдаги электролампа заводи, Олтинтопган кончилик-руда комбинатининг Қўрғошинкон участкаси, Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинати, Марғилон ипак комбинатининг ипак йигирув фабрикаси, Охунбобоев номли Қўқон тикув фабрикаси, ВЛКСМ XX йиллиги номли Бухоро тикув фабрикаси, Учқўрғондаги ёғ-экстракт заводи, Андижон паровоз депоси, Когон ва Тошкент пассажир станциялари, Қодирия ГЭСи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари коммунистик меҳнат коллективлари номини олиш учун курашишга аҳд қилиб ишламоқдалар.

ВАТАНИМИЗГА КЎПРОҚ МЕТАЛЛ БЕРАМИЗ

ЗАПОРОЖЬЕ. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумига тайёргарлик кунларида «Днепроспецсталь» заводи электрометаллурглари Запорожье саноат корхоналари коллективлари орасида биринчилар қаторида коммунистик меҳнат заводи номини олиш учун мусобақага қўшилдилар.

Коммунистик партия, — дейди пўлат қуювчи Д. Голушко,—ҳозир бизни металл ишлаб чиқариш суръатини тезлатишга ундамоқда. Запорожьелик металлурглар партиянинг бу кўрсатмасини ўзларининг жонажон, муқаддас ишларидек кутиб олдилар. Бизнинг бригадамиз биринчи ярим йилликда тезкор усулда 131 марта пўлат қуйиб берди ва қўшимча равишда, пландан ташқари 671 тонна пўлат берди. Бунда 245 минг киловатт-соатдан кўпроқ электроэнергияни тежаб қолди.

Пленум очилиши арафасида бизнинг цехимизда янги кучли пўлат қуйиш печи ишга туширилди. Мен унда дастлабки қуйилмани беришдек катта шарафга муяссар бўлдим.

Бригадамиз янги агрегатда ишлаб, етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш ва топшириққа қўшимча равишда юзларча тонна юқори сифатли пўлат бериш мажбуриятини олди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорига бизнинг жавобимиз мана шундай.

УМИДИМИЗ

Кўчат ўтказсангиз-у, уни парвариш қилмасангиз, қуриб қолиши турган гап. Аксинча, кун сайин парвариш қилинган кўчат тез кўкариб, мўл ҳосил беради.

«Чирчиксельмаш» заводида коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун кураш ҳаракати бошланганида завод касаба союз комитети бу азаматларга ҳар томонлама ёрдам беришга интилди. Бу ҳаракатга аввало комсомол аъзоси Николай Кусков бошлиқ ёшлар қўшилишди. Уларнинг сафи кенгая бориб, ҳозир Ильиччасига ишлаш, яшаш ва ўқиш учун 18 комсомол-ёшлар бригадаси курашмоқда. Шулардан 7 тасига коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди.

Олий ҳиммат, йигит ва қизларимиз тез орада ҳаммани қойил қолдирадиган ишлар қилишди. Александр Журавлев бошлиқ бригада техника контролсиз ишлашга ўтди. Бригаданинг ҳамма аъзолари оталиқдаги 6-мактабда пионер вожатий бўлиб ишламоқдалар. 3-цехдаги Ю. Бойбўлатов бошлиқ токарлар бригадаси бошқа касбдаги ишчиларга токарликни ўргатишга киришдилар. Коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари техника тараққиёти учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар, қолоқликка, ўжарликка қарши аёвсиз зарба бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумига тайёргарлик кунларида бошланган социалистик мусобақа ҳозирги кунда янги тўлқин билан авж олиб кетди. Июнь ойидаги социалистик мусобақада асбобсозлик цехининг коллективи биринчи ўринни олди. Бу цехдаги учта бригаданинг иккитасига коммунистик меҳнат бригадаси унвони берилган.

Ўртоқ Ҳабибуллин мастерлик қилаётган ёшлар сменаси яқинда янги ташаббус билан чиқди. Улар бутун смена билан коммунистик меҳнат сменаси номи учун курашишга аҳд қилдилар ва бошқаларни ҳам шундай қилишга чақирдилар. Касаба союз комитети бу ташаббусни қуллаб-қувватлади. Ҳозир асбобсозлик цехининг ҳар уччала сменаси коммунистик меҳнат сменаси номини олиш учун мусобақалашмоқда. Цех партия ташкилотининг секретари Нуралиев, касаба союз комитетининг раиси Харламов ўртоқлар мусобақага яхши раҳбарлик қилмоқдалар.

Корхонамизнинг кекса ишчилари коммунистик меҳнат бригадаларига келажагимиз, умидимиз деб қарамоқдалар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Кечагина экилган кўчат ажойиб мевалар — коммунистик келгусининг меваларини бера бошлади.

А. БЕЛЯЕВ.
«Чирчиксельмаш» заводи касаба союзи комитетининг секретари.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

Р. ЧОРИЕВ,
Туркманистон КП Марказий Комитетининг секретари

Туркманистон пахтакорларининг 25 кишидан иборат ўзаро текшириш бригадаси Қорақалпоғистон автоном республикасида, Бухоро ва Хоразм областларида бўлиб, ғўзанинг аҳволини кўздан кечирди.

Ҳамма жойда ҳам бизни энг яқин дўстлардек кутиб олишди, мўл пахта ҳосили етиштириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун курашдаги ўз ютуқларини кўрсатишди, ишдаги камчиликларни ҳам яширишмади. Бунинг учун биз жуда миннатдормиз.

Текшириш давомида биз Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини тағин ҳам юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларини тез амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бораётганликларига қаноат ҳосил қилдик.

Айрим хўжалик ва районларда ижобий ишлар билан бир қаторда муҳим камчиликлар ҳам содир бўлмоқда. Бу камчиликлар тўғрисида муфассал тўхталишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Бухоро областининг кўпгина колхоз ва совхозлари ғўзанинг сийрак бўлишига йўл қўйилган. Рометон, Бухоро, Коғон, Қизилтепа ва Навоий районларида катта майдонлардаги ғўза бегона ўтдан тозалаб олинмаган. Натижада экин ривожланишдан кечикмоқда.

Суғориш агротехникасининг ҳам бузилишига йўл қўйилмоқда. Бостириб суғориш авж олган. Айниқса Рометон районидаги Ленин номли, Қизилтепа районидаги «Москва» колхозларида бостириб суғориш одат тусига кириб қолибди. Ғўза қатор ораларини юмшатмасдан туриб, экинни қайта-қайта суғориш фактларини ҳам учратдик. Экиннинг бир текис суғорилмаслиги ҳолларини ҳам кўрдик. Бундай суғориш ғўзанинг нотекис ўсишига олиб келади. Кўпинча, суғоришдан сўнг тупроқ қотиб қолмоқда. Натижада культивация қилинганда кесак кўчмоқда. Шунга қарамай, колхоз ва совхозларнинг кўпгина раҳбарлари агротехника қоидаларининг бузилишига қарши чора кўрмаётирлар. Бу эса ғўзанинг аҳволига таъсир қилмай қолмайди.

Ўзбек пахтакорларининг пахта етиштиришда илғор усулларни кенг қўлланиш, трактор-далачилик бригадалари ҳамда комплекс механизациялашган бригадалар тузишдаги хизматларини қайд қилиш билан бирга сўнгги вақтда Бухоро областида трактор культиваторларини ишлатиш, айниқса ғўзани кўндалангига парвариш қилиш бўшаштириб юборилганлигини айтишга мажбурмиз. Июлнинг биринчи ярмида 130 минг ўрнига фақат 63 минг гектар ерда кўндалангига культивация ўтказилган.

Экинни кўндалангига парвариш қилиш ҳозирдан тўхтатиб қўйилганлигини қуйидаги фактлар яққол кўрсатади: Навоий районидаги «Коммунизм» колхозида кўндалангига культивация қилиш ярим ойлик топшириғи 38 процент, шу райондаги «Бухоро» колхозида 25 процент, Навоий номли колхозда 38 процент, район бўйича эса 31 процент бажарилган.

Рометон районидаги ҳамма колхозларда ҳам экинни кўндалангига парвариш қилиш топшириғи бажарилмаган. Масалан, Сталин номли колхозда бу топшириқ атиги 22 процент бажарилди.

Кўплаб тракторлар фақат бир сменада ишламоқда. Кўпинча культиваторларнинг иш органлари тўла эмас, бунинг устига нотўғри ўрнатилган. Қатор оралари етарли кенгликда ва чуқурликда юмшатилмаётир. Кўпгина тракторларга тўсқичлар ўрнатилмаган. Культиваторнинг иш органлари яхши созланмаганидан, Қизилтепа районидаги Калинин номли, Рометон районидаги Ленин номли ва бошқа қатор колхозларда ғўза нобуд бўлмоқда. Чопиқ тракторларининг иш унуми пастлиги оқибатида суғориш билан қатор ораларини юмшатиш ўртасида узилиш бўляпти.

Пахтадан мўл ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бири қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ўз вақтида кураш олиб боришдир. Лекин Бухоро областида ўргумчаккана билан зарарланган 10 минг гектар ернинг атиги ярми дориланган. Айниқса Бухоро, Коғон ва Қизилтепа районларида ҳашаротга қарши кураш яхши ташкил қилинмаган. Шуни ҳам айтиш керакки, уватлардаги, ариқ ва йўл бўйларидаги бегона ўтларни йўқ қилиб ташлашга аҳамият берилмаяпти. Бу эса ўргумчакқананинг кенг тарқалишига шароит туғдиради.

Хоразм областидаги энг жиддий камчилик ғўзани кечиктириб суғоришдир. Биринчи суғориш ҳали ҳам тугалланмаган ва иккинчи суғориш ҳам суст бормоқда. Бунинг устига ғўза бостириб суғориляпти. Ўсимликни чанқатиб қўйиш, суғоргандан сўнг тупроқни қотириб юбориш, шунингдек қатор ораларини юмшатмай туриб, қайта-қайта 2—3 марта суғориш ҳоллари ҳам бор.

Ғўзани кўндалангига парвариш қилишнинг тўхтатиб қўйилиши мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Чопиқ тракторларининг иш унуми жуда паст. Областда ҳар бир тракторнинг иш унуми ўртача 3,5 гектарга тўғри келмоқда. Кўпчилик колхозларда культиватор иш органларининг камлиги ҳамда яхши ўрнатилмаганлиги оқибатида культивация сифатсиз ўтказиляпти. Ғўза парваришида колхозларда от культиваторларидан жуда кам фойдаланилмоқда.

Биз районларда бўлар эканмиз, табиийки, партиявий-сиёсий ишларнинг қўйилиши ҳамда колхозчиларнинг маданий-маиший шароити билан ҳам танишдик.

Шу билан бирга Бухоро областининг Қоракўл, Рометон, Қизилтепа, Навоий, Коғон ва Бухоро районларидаги айрим хўжаликларда, Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги кўпчилик колхозларда дала шийпонлари жиҳозланмаган. Колхозчиларнинг маиший эҳтиёжлари етарли қондирилмаяпти, болалар муассасаларининг иши яхши йўлга қўйилмаган.

Кўпгина колхозларнинг далачилик бригадаларида янги жанговар варақалар кўринмайди, колхозчиларни қийинчиликларни енгишга, меҳнат унумдорлигини оширишга чақирувчи плакатлар йўқ.

Биз ўсимликнинг парваришини яхшилаш ва унинг ривожланишини тезлатиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳар бир совхоз ва колхозда яқин вақт ичида экинларнинг аҳволини яхшилаб олиш учун парваришни кучайтириш керак. Ҳар бир туп ғўзани сақлаб қолиш ва унда мумкин қадар кўпроқ кўсак етиштириш учун қатъий курашмоқ лозим. Биз ғўза парваришини пахта очилгунга қадар тўхтатмаслик, карталарнинг бурчаклари, уватларига ҳамда парвариш қилинмай ташлаб қўйилган айрим участкаларга алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Ғўзани чеканка қилишни дарҳол кучайтириш керак.

Бизнинг фикримизча ғўзани икки томонлама парвариш қилиш устидан қаттиқ контроль ўрнатиш, трактор ва от культивацияси сифатини яхшилаш, тупроқнинг қотиб қолишига йўл қўймаслик керак. Механизаторларнинг ишида брак бўлмаслиги, тракторларнинг техника парваришини яхшилаш ҳамда машиналарнинг тўхтаб туришига чек қўйиш учун механизаторларга нисбатан талабчанликни ошириш зарур.

Кундузи ҳам, кечаси ҳам сувдан фойдаланишни тубдан яхшилаш, суғоришни фақат эгатлар орқали жилдиратиб ўтказиш, карталарни суғоришга тайёрлашни жиддий назорат қилиш, сувчиларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш лозим.

Шунингдек қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ва айниқса ўргумчакканага қарши курашни кучайтириш жуда муҳимдир.

Биз колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, артелларнинг правлениелари ҳамда қишлоқ Советлари меҳнатни ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига кўпроқ эътибор беришларини истардик. Дала шийпони колхозчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий-агитация ишларнинг маркази, пахтакорларнинг маданий дам оладиган жойи бўлиши лозим. Албатта болалар муассасалари ва медицина пунктлари ишини ҳам яхшилаш керак.

Биз Ўзбекистон пахтакорлари табиий-иқлим шароити натижасида вужудга келган қийинчиликларни матонат билан енгиб пахта учун курашда кўп мартаба яхши натижаларга эришганликларини биламиз.

Ўзбекистон пахтакорлари бу йил ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришларига ва Ватанга 3 миллион 170 минг тонна пахта топширишларига ишонамиз.

АНГЛИЯГА САЁҲАТ

ЛОНДОН, 21 июль. («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан). Кеча, совет туристлари «ИЛ-18» самолётида Англия пойтахти — Лондонга келдилар. Улар орасида Москва ва Свердловск ишчилари билан бирга ўзбекистонлик туристлар — архитектор Ҳидоятов, Тошкент университетининг ўқитувчиси Тошмуҳамедова, Чет тиллари педагогика институтининг кафедра мудири Баешева ва бошқа ўртоқлар, ҳаммаси бўлиб 26 киши бор.

Совет туристлари Англиянинг энг йирик шаҳарлари билан танишадилар ва теплоходда қайтатуриб Копенгаген, Стокгольм ва Хельсинки шаҳарларини ҳам кўрадилар.

А. АБДУАЗИМОВ.

ОҚ ЙЎЛ, АЗАМАТЛАР

РЕПОРТАЖ

Тошкент вокзали гавжум. Перронга энг яқин линияда турган состав турли шиорлар, гулдасталар билан безатилган. «Комсомол, дон учун курашга!», «Ёшлар, қўриқ ерлардаги донни йиғиб-териб олишга ҳисса қўшайлик!» деган шиорлар кўзга ташланади. Бир тўда ёшлар қизғин суҳбатлашмоқда.

— Мен ўтган йили ҳам Қозоғистонга, буғдой ҳосилини йиғиб олишга ёрдам бериш учун ўз ихтиёрим билан борган эдим, — қорачадан келган норғил йигитнинг бу сўзларига ҳамроҳи диққат билан қулоқ соларкан деди:

— Каримжон, ўтган йили қўриқ ерга боролмай қолганимга ачинаман-да. Бу йил белимни маҳкам боғлаганман. Сен билан беллашганим бўлсин...

Перроннинг нариги четида қиз ва йигитлар давра қуриб ўйин қилишмоқда. Ўртада гармоннинг шўх садоларига ҳамоҳанг ўйнаётган йигитнинг юзидан табассум аримайди.

Ўйин-кулги билан қоронғи тушганини ҳам ҳеч ким сезмай қолди. Шу ернинг ўзида митинг бошланди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. П. Вишинский сўзга чиқиб, ёшларни табриклаганда гулдурос қарсаклар, духовой оркестрнинг садолари майдонни ларзага келтирди.

— Бу йил республикамизнинг Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа областларидан мингта азамат йигит ва қиз Қозоғистон ССРнинг Семипалатинск областига буғдой ҳосилини йиғиб олишда кўмаклашиш учун кетмоқдалар.

Қувноқ музика садолари остида ёшлар вагонларга чиқишади. Буферларнинг шақир - шуқури, оқолотқаларнинг овози, «ТЭ-3» тепловозининг гудоги орасидан «Оқ йўл, азаматлар», «Хайр!» деган овозлар эшитилиб турарди.

Ўткир ҲОШИМОВ.

ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Озарбайжон ССР пахтакорларининг 17 кишидан иборат делегацияси 20 июль кечқурун Бокудан Тошкентга келди. Делегацияга Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. К. Оруджев бошчилик қилмоқда. Келганлар орасида Мардакерт районидаги «Коммунизм» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Е. Н. Бабаян, Фузулий районига қарашли Городиз қишлоғидаги колхоз агрономи С. Фахрадова, Кировобод район ижроия комитетининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Н. Мелиқов, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги пахтачилик инспекциясининг старший агрономи Г. А. Мамедзода, Жданов районидаги Ленин номли 3-совхознинг бош механиги М. А. Шарипов, Евлах район партия комитетининг биринчи секретари М. Р. Мамедов, Озарбайжон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг старший илмий ходими қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Н. Алекперов, Курдамир районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси К. К. Жабиев ва бошқа кишилар бор.

Тошкент аэропортида қардош республика вакилларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Рудин, республика Министрлар Совети ҳамда министрликлари, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари кутиб олдилар.

21 июлда Озарбайжон пахтакорлари делегацияси икки группага бўлиниб, Фарғона водийсига жўнаб кетди. Қардош республика пахтакорлари делегацияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мусобақада ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кўздан кечирадилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ БОКУГА КЕЛДИ

БОКУ, 21 июль. (ЎзТАГ махсус мухбири). Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўзаро текшириш бригадаси кеча бу ерга келди. Делегацияга республика Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Қ. Зокиров бошчилик қилмоқда.

Аэродромда қардош Ўзбекистондан келган меҳмонларни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. А. Мирзаев, Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. К. Оруджев, Қишлоқ хўжалик министри М. М. Поладов, Сув хўжалиги министри Т. И. Абдулрагимов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Озарбайжон ЛКСМ Марказий Комитети, министрликлар, республика Қишлоқ хўжалик фанлари академияси аппаратининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Шу кунийўқ Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов қардош республика вакилларини қабул қилди. Қабул вақтида Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси М. А. Искандаров ва Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Семичасний ҳозир бўлдилар.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Озарбайжоннинг колхоз ва совхозларида социалистик мажбуриятларнинг қай тарзда бажарилаётганлиги билан танишадилар...

ХАЛҚ ПОЛЬШАСИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ БАҲОРИ

Биз Польша озод этилганлигини ҳар йили байрам қилар эканмиз, эришилган натижаларга баҳо бериш учун босиб ўтилган йўлга назар ташлаймиз. Кундалик яратувчилик меҳнати билан банд бўлган бизлар рўй берган ўзгаришларнинг ҳаммасини қамраб ола олмаймиз, бу ўзгаришларнинг нақадар улуғворлигини сеза олмаймиз. Кўп вақт шундай бўладики, биз: «Мана бу йирик комбинат аллақачон ишга туширилибди, кечагина унинг пойдеворини қураётгандек эди!», ёки: «Қандай ажойиб магазинлар очилган, молларнинг тури нақадар кўп, ҳали яқиндагина мен бу магазинларнинг лойиҳалари тўғрисида ўқиган эдим!», деб ҳайратда қолиб таъкидлаймиз.

Польшанинг кўпгина жойларида йирик заводлар қад кўтармоқда. Бу заводлар мамлакатимизнинг эски манзарасини ўзгартирмоқда. Булар орасида В. И. Ленин номидаги комбинат, «Варшава» сифатли пўлат заводи, Берут номли комбинат, «Явожно-II» электр станцияси, Вежбицдаги цемент заводи, Легницдаги мис эритиш комбинати сингари гигантлар бор. Польшанинг ғарбида, Турошов деган жойда Европада энг йирик энергетика комбинатларидан бири қурилмоқда, Вислада олтингугурт ишлаб чиқарадиган комбинат, Глогова районида мис комбинати барпо этилмоқда. Янги саноат марказлари ҳаётни революционлаштирмоқда.

Польша қолоқ, аграр мамлакатдан саноатлашган-аграр мамлакатга айланди. Биз Польшани индустрлаштириш соҳасидаги бу муваффақиятга партиямиз сиёсати туфайли, миллион-миллион кишиларнинг меҳнати туфайли, Польшанинг социалистик лагерга мансублиги, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатлари бизни бирлаштирган қардошларча муносабатлар туфайли эришдик.

Қишлоқ ҳам тубдан ўзгармоқда, қишлоқ хўжалигида шу вақтгача мавжуд бўлган меҳнат усуллари ўзгариб бормоқда. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалик маҳсулоти урушгача бўлган даврдагига нисбатан 17,5 процент, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 36,5 процент кўпайди. Халқ ҳокимияти қишлоқ хўжалигининг қишлоқни кооперативлаштириш асосида ривожланиши учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда.

Ҳозирги вақтда Польшада мактабга қатнамаётган мактаб ёшидаги болалар йўқ. «Польшанинг минг йиллигигача минг мактаб қурамиз» деган шиор мактабларни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигимизни ҳаммадан кўра яхшироқ ифодалаб турибди. Мамлакатимизда рўй берган ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар миқёсини ифодалайдиган яна бир кўрсаткич шуки, аҳоли умрининг ўртача давом этиши урушдан олдинги даврдаги 50 ёшдан ҳозирги вақтда 65 ёшгача етди.

Ҳозирги Польша — бу этнография жиҳатидан ягона бир бутун давлатдир. Бундан ўн олти йил муқаддам биз қайтиб олган қадимги ғарбий ва шимолий ерларимиз мамлакатнинг узвий қисми бўлиб қолди. Бу ерларда 7,6 миллион поляк яшамоқда ва меҳнат қилмоқда, бу аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғи қайтариб олинган территорияларда туғилди.

Биз тинчликни истаймиз ва тинчлик учун курашамиз. Биз атом даврида уруш инсониятга қандай фалокатлар келтиришини яхши тушунамиз. Жаҳонда биринчи социализм мамлакати бўлган Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, турли ижтимоий тузумга мансуб бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати поляк халқининг ҳаётий манфаатларига жавоб беради. Биз ёппасига ва батамом қуролсизланиш, атом ва водород қуроллари синовларини дарҳол тақиқлаш позициясида турамиз. Биз Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишни тугатишга, Германия билан сулҳ шартномаси тузишга, Ғарбий Берлин проблемасини ҳал этишга эришиш учун ҳаракат қиламиз.

Пролетар интернационализми, социалистик лагерь давлатларининг бирлиги ва қардошлиги принципларига биз ҳамма вақт содиқ бўлиб келдик ва бундан буён ҳам содиқ бўламиз. Биз Польша Бирлашган ишчи партияси раҳбарлигида мамлакатимизда Маркс ва Лениннинг буюк ғояларини шу вақтгача бўлганидек бундан буён ҳам зўр сабот ва ғайрат билан амалга оширамиз, социализмнинг тўла ғалабаси сари олға борамиз.

Бронислав ТРОНСКИЙ.
Поляк публицисти.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН
аҳоли хизматида

Колхоз бозорларидан олиб-сотарларни, чайқовчиларни қувиш керак

Ёз. Боғ-роғларда ҳамма нарса ғарқ пишди. Шакарпалак қовун, чиллаки, тарвуз, олма, нимаки десангиз колхоз боғларида сероб. Мана шундай бир пайтда Тошкент колхоз бозорларида бўлган киши мева-чеванинг ҳам, сабзавотнинг ҳам, картошканинг ҳам нарх-навоси баландлигини кўриб ҳайрон қолади:

Редакцияга шу ҳақда меҳнаткашлардан кўп хат туша бошлади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг мухбири милиция ходимлари билан биргаликда Тошкент колхоз бозорларида рейд ўтказди. Қуйида сиз ана шу рейд материалларини ўқийсиз.

* * *

ЧАЙҚОВЧИЛАР СЕРГАК, «ТАШПЛОДООВОШТРЕСТ» ХОДИМЛАРИ УЙҚУДА

Биз Тошкентдаги Госпиталь бозорига жуда эрта келдик. Лекин савдо аллақачон қизиб кетган. Чинакам маъмурчиликни, мўл-кўлчиликни, тўкинчиликни шу ерда кўриш мумкин. Қовун-тарвузлар тоғтоғ бўлиб ётибди. Олма, помидор, картошка, чиллаки, шафтоли, кўйинг-чи, боғда битадиган, полизда етиштириладиган ноз-неъматлардан истаганингизни топасиз.

Лекин нарх-наво бозорда анча баланд. Ғарқ пишиқчилик бўлиб турган шу пайтда бир килограмм помидорнинг нархи 6 сўм, ҳатто баъзи бир кишилар 8 сўмдан ҳам сотишмоқда!

Нарх-наво нега қиммат, бунинг сабабини билиб бўлмасмикан деб бозор комитетининг ходимларини топмоқчи бўлдик. Афсуски, улар уйқуда ётишган экан. Худди ана шу Госпиталь бозорида Калинин районидаги Сталин номли, Тошкент қишлоқ районидаги Куйбишев номли колхозларнинг биттадан дўкони бор, аммо ҳар иккиси ҳам қулф. Деразадан қараган эдик сўлиб қолганлиги узоқданоқ кўриниб турган карам, майда лавлаги, қорайиб кетган помидорга кўзимиз тушди.

Олиб-сотарлар аллақачон уйғониб сергак юришибди. Колхозчилар келтирган мева-чева, сабзавот, картошкани чаққонлик билан сотиб олиб, кейин қимматига сотишмоқда. Ана шу бозордаги тарозибонлардан тортиб, бозор комитетининг директоригача, баъзи бир милиция ходимларигача буни билишади, лекин чайқовчиларнинг танобини тортиб қўйилмаётир.

Бир машина қовуннинг ҳар килограммини 5—6 сўмдан сотиб турган Амергамза Сопуюв деган кишини учратдик. Унинг деҳқон эмаслиги, олиб-сотарлиги афтидан ҳам билиниб турибди. Ҳужжатини суриштирсак Қирғизистон ССР Оламидин районидаги «Василевск» совхозида ишлар экан. Кимнинг қовунини сотяпсиз деган саволимизга:

— Имонқул Суяровники, — деб жавоб қайтаргач, ҳужжат кўрсатди.

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз правлениеси тасдиқлаган бу справкада қовун ҳақиқатан шу колхоз аъзоси Суяровники эканлиги кўрсатилган.

Бозорда бундай «ҳужжатли» чайқовчиларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Улар шубҳа туғдирмаслик учун турли справкаларни кўрсатадилар, ўзим экканман, ўзим деҳқонман деб исботлашга уринадилар. Бундай шахслар бозорга фақат якшанба кунлари эмас, ҳар куни келиб туришади. Бозор ходимлари уларнинг исм-фамилиясини яхши билишади. лекин ана бундай кунда шундайларга — бели оғримай мўмай пул топишга одатланган, ҳеч қаерда ишламай, халққа, давлатимизга фойда етказмай, кун кечираётган кишиларга нисбатан муросасозлик қилмоқдалар.

Қизил тўқимачи станциясининг темир йўлчилари, эҳтимол, слесарь Турсун Хўжаевни билишар. У 42 килограмм олмани арзон олиб, қимматга сотиш учун ҳаракат қилаётган бир пайтда қўлга тушди. Турсун Хўжаев ашаддий олиб сотарлардан эмасми, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди. шунинг учун ҳам чайқовчилик пайтида қўлга тушиб қолгач, 25 сўм «пора» бериб қочмоқчи бўлганида, милиция ходими ушлади.

Турсун Хўжаевга ўхшаш шахслар кимни алдайдилар. Улар ўзлари билан бир корхонада, бир станцияда ишлаётган кишиларни алдаётганликларини, ўзларига ўхшаш ишчиларнинг ҳақига хиёнат қилаётганликларини тушунармикинлар?! Жамоатчилик ўз таъсирини ўтказиши, ана шундай кишиларнинг қилмишларини, кирдикорларини очиб ташлаши керак.

Олой бозорида ҳам худди шунга ўхшаш шахсларни учратиш мумкин.

Паркент, Париж коммунаси кўчасида ва бошқа кўчаларда нуқул сабзавот, мева сотиш билан шуғулланиб, ҳеч қаерда ишламаётган шахслар топилади.

Чунончи, Париж коммунаси кўчасида Шилов деган киши истиқомат қилади. У бир неча йилдан буён ўз участкасида помидор ва бошқа сабзавотларни ўстириб, қишда килограммини 60—40 сўмдан, баҳорда 20 сўмдан, ҳозир эса 8 сўмдан сотмоқда Шиловнинг қизи — бухгалтер; лекин у ўз касбини йиғиштириб қўйиб, «деҳқончиликка» берилиб кетган.

Биз Шилов ва унинг қизи истиқомат қилиб турган участкада бўлдик. Шаҳарнинг чеккасидаги бу участка бир неча кишига етиши мумкин. Шилов билан қизи давлат бериб қўйган ердан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланмоқдалар. Лекин Шилов сира уялмай-нетмай:

— Бошқа иложим йўқ, мени танқид қилиш керак эмас, аксинча, кўп помидор етиштираётганим учун мақташ керак, — дейди.

Меҳнаткашлар ҳақига хиёнат қилиб, бойлик орттираётган чайқовчининг «фалсафаси» ана шундай.

САБЗАВОТ ДЎКОНЛАРИДАГИ ҲАНГОМА

Госпиталь бозорида, айниқса Олой бозорида анчагина колхоз дўконлари, шунингдек, «Ташгорплодоовош» трестининг дўконлари бор дедик. Масалан, Ташплодоовошнинг Госпиталь бозоридаги 10-дўконида картошканинг килоси 1 сўм 40 тийин, бир килограмм карам 90 тийин. Картошка олиш учун навбат кутиб турган харидорлар кўп. Лекин карамни ҳеч ким олмаяпти, Чунки, дўкондаги карам қорайиб кетган. «Ташгорплодоовош» ва колхоз дўконларида суви қочиб, сўлиб қолган мева ва сабзавотни кўрган харидор қиммат бўлса ҳам бозордан, шахсий сотувчилардан олишга мажбур бўлади.

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг 2-дўконида Н. Муқимов деган шахс ишлайди. У сабзавот ва мевага ўзи истаганча нарх қўяверади. Колхоз ноз-неъматлари унга ҳеч қандай ҳужжатсиз топшириб қўйилган. Шу райондаги Навоий номли колхознинг 3-дўконида Ҳакимов деган киши тухум, ёнғоқни фактурасиз сотяпти. 1 сўм 50 тийинлик ва 1 сўм 20 тийинлик картошкани эса аралаштириб, қимматига сотмоқда.

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг сотувчиси С. Абдуллаев 1 сўмлик картошкани 3 сўмдан сотмоқда.

Бу шуни кўрсатадики, айрим колхоз раҳбарлари шаҳар аҳолисига, ишчилар синфига сабзавот маҳсулотлари етказиб беришдек ва шу маҳсулотлар билан савдо қилишдек муҳим ишни баъзи юлғич шахслар қўлига топшириб қўйганлар.

БУЛАРНИНГ ТАНОБИНИ ТОРТМАСА БЎЛМАЙДИ

Ишчилар шаҳарчаси яқинида кичкинагина бозорча бор. Харидорларнинг айтишига қараганда, бу ерда нарх-наво бошқа бозорларга нисбатан анча қиммат юради. Ҳақиқатан бу тўғри экан.

Рейд ўтказилган куни ана шу бозорда ҳам бўлдик. Қудрат Абдуллаев деган киши 2 қоп картошканинг ҳар килосини 4 сўмдан сотмоқда. Бозорда ундан бошқа картошка сотувчи йўқ. Бозорчанинг ёнидаги дўконлар кундуз соат 1 гача ҳам очилмади. Харидор хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам чайқовчидан қимматига олишга мажбур. Абдуллаев:

— Ўзим эккан картошкани сотяпман, — деди.

Унинг қанчалик рост сўзлаётганлигини аниқлаш учун уйига бордик. Уйида ҳеч қандай картошка экилмаган. Бунинг устига Абдуллаев ўз қилмишини яшириш учун уй адресини ҳам нотўғри айтган экан. Шундай бўлса ҳам унинг истиқомат қилаётган жойини Тошкент аҳолиси, айниқса ишчилар шаҳарчасидаги меҳнаткашлар билиб қўйишсин: чайқовчи Абдуллаев Киров район Кисловодск кўча 5-линияда 9-уйда туради. Ҳеч қаерда ишламайди.

Октябрь районидаги 28-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мўмин Собиров шу бозорда помидорфурушлик қилмоқда. У дам олиш, янги ўқув йилига куч тўплаш ўрнига савдогарчиликни машқ қилмоқда. Бозор ходимлари эса бунга қарши кураш ўрнига қуруқ томошабин бўлиб турибдилар.

Рейд ўтказилган куни бир қанча харидорлар билан сўзлашдик. Улар Тошкент колхоз бозорларида сабзавот ва мева-чева билан савдо қилишни яхшилашга қаратилган қимматли фикрларни айтишди. Булар қисқача қилиб айтганда, давлат йўли билан сабзавот ва мева савдосини тартибга солишдан, «Ташгорплодоовош» дўконларининг ишини яхшилашдан, сабзавот ва мева сотадиган магазинларни чинакам ихтисослаштирилган магазинларга айлантиришдан, комиссион савдони кучайтиришдан, бозорларда деҳқонлардан сабзавот ва мева сотиб оладиган магазинлар очишдан иборатдир.

Колхоз бозорларида чайқовчиларга, олиб-сотарларга ўрин йўқ! Чайқовчиликка, текинхўрликка қарши кураш—бутун жамоатчиликнинг ишидир.

Агар колхоз бозорлари устидан жамоат контроллиги кучайтирилса, милиция, прокуратура, суд органлари текинхўрларга қарши курашни тағин ҳам кучайтирсалар, ўроқда йўқ, бошоқда йўқ хирмонда ҳозир шахсларнинг томири қирқилиши турган гап.

Колхоз боғларида етиштирилаётган меваларни, жамоат полизларидаги сабзавотларни шаҳар аҳолисига кўплаб етказиб бериш учун кураш масаласи маҳаллий партия, совет ташкилотларининг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг рейд бригадаси: П. Титов, И. Ҳамидов, — милиция ходимлари, Ҳ. Нуриддинов— «Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/VII да Дилором, 24/VII да Чио-Чио-Сан.
АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Муқимий номли театрнинг ёзги биносида)—22/VII да Холисхон, 23/VII да Қайнона.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР —26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 27604. Пропаганда — 31226. Саноат ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 27604. Қишлоқ хўжалиги — 34455. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34524. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01955. Нашр. А. № 169.